КОСОНСОЙ ЧАРМ ПЎСТИНИ

НАМАНГАН. Қадимий Косонсойда хусусий корхоналар кўпаймоқда. Туркия билан ҳамкорликда фаолият кўрсатаётган "Касмир-Дери" қўшма корхонаси ҳам маҳсулот бера бошлади. Бу ерда қўй терилари ошланиб, чарм куртка-пўстинлар тайёрланмоқда. 180 нафар йигит-қиз иш билан таъминланган. Йилига 50 минг дона чарм-пўстин ишлаб чиқариш мўлжалланган. Бу 200 миллион сўмлик маҳсулот бўлиб, унинг аксарият қисмини экспорт қилиш кўзда тутилган.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

СУНГГИ СОАТДА

ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ

ҚАШҚАДАРЁ. Яқингача Ғузор тумани аҳолиси "зангори олов"сиз қийналиб келардилар. Истиқлол туфайли бу ердаги Шўртанг газ конидан хонадонларга табиий газ узатилди. Бу йил газ қувурларини 101 километрга етказиш мўлжалланган.

Ҳозир 70 километрга газ қувурлари ётқизилди. "Истиқлол" жамоа хўжалигининг Сангишкон қишлоғи хонадонларида эса "зангори олов" ёна бошлади. Газлаштиришни "Кеш-Оқсарой" савдо уйи қошидаги алоҳида тузилма қурувчилари бажаришмоқда.

Юнус УЗОҚОВ.

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

ЎЗИНГДА БЎЛГАНИГА НЕ ЕТСИН

БУХОРО. Ромитон туманида қишлоқ инфраструктурасини ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериляпти. Турли ёрдамчи цехлар ишга туширилмоқда. Жумладан, "Боғитуркон" жамоа хўжалигида бешик ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Энди фарзанд кутаётган оилалар узоқдаги ҳунармандларга эмас, балки "Вағани" кичик корхонасига мурожаат этадилар.

Даврон БАҲРОНОВ.

ЯНГИЛИКЛАР, ФАКТЛАР

"АУДИТ-АХБОРОТ" МАРКАЗИ

ФАРҒОНА. Қимматбаҳо қоғозлар бозори шаклланиб бормоқда. Бундай бозор қатнашчиларига, яъни юридик ва жисмоний шахсларга маслаҳат-аудиторлик ахборот-маълумот хизмати кўрсатиш заруратга айланмоқда. Фарғонада "Маслаҳат-аудит-ахборот" марказининг ишга туширилиши айни муддао бўлди. Бу ерда малакали мутахассислар оммавий ахборот ва ташвиқот воситалари орқали реклама фаолияти юритиб, мижозларга шартнома асосида қимматли қоғозлар бозорининг ҳолати ва уни ўрганиш хусусида маълумотлар бериб турибдилар.

Алишер ИБОДИНОВ.

СУНГГИ СОАТДА

ОТАХОНЛАР ҒАЙРАТИ

ТОШКЕНТ. Чиноз туманидаги "Йўлтушган" жамоа хўжалиги отахонлари ғайрат камарини боғладилар. Меҳнат фахрийларидан Жалол ота Эшмуродов ташаббуси билан 15 нафарли бригада тузилиб, кексалар далага отланишди. Отахонлар киши бошига 30 килограммдан пахта териб, хирмонга барака киритдилар. Уларнинг бу ҳаракати ёшларга ибрат бўлиб, кексалар таъбири билан айтганда: "ҳа, дегани туяга мадад"дир.

Соҳибжон САЛИМОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 14 ноябрь, пайшанба № 146 (22.067).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БЕЛГИЯГА ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

БРЮССЕЛЬ, 13 ноябрь. (ЎзА мухбири Муҳаммад ШАРИФ хабар қилади).

12 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Белгия Қироллигига келди. Мамлакатимиз раҳбари бугун эрталаб НАТОнинг Брюсселдаги бош қароргоҳига ташриф буюрди. Президент Ислом Каримов бу ерда НАТО Бош котиби Хавьер Солана билан учрашиб, Ўзбекистон — НАТО алоқалари, хусусан, «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасидаги ҳамкорлик масалаларини муҳокама этди. Шундан сўнг Ўзбекистон раҳбари Белгия ташқи савдо офисига ташриф буюриб, ушбу мамлакатнинг йирик тадбиркорлари ва компаниялари раҳбарлари билан мулоқотда бўлди. Уларнинг саволларига жавоб қайтарди. Президент Ислом Каримов шу ерда мазкур офис фахрий раиси Шаҳзода Филипп билан суҳбатлашди. Белгия парламентида вакиллар палатаси раислари ва сенати номидан Ўзбекистон Президенти шарафига қабул маросими уюштирилди.

Мамлакатимиз раҳбарининг ўта тиғиз сафар дастуридан Брюссель шаҳар ҳокимлигига ташриф ҳам ўрин олган эди. Ислом Каримов шаҳар маъмурияти раҳбарлари ҳамда кенгаши аъзолари билан учрашди.

Шу куни кечки пайт Брюсселдаги Эгман саройида Ўзбекистон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Маросимдан кейин Президент Ислом Каримов ва Белгия Бош вазири Жан-Люк Дехане яккама-якка суҳбат чоғида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида фикр алмашдилар. Айни пайтда Ўзбекистон-Белгия расмий делегацияларининг музокаралари бошланди. Музокаралар якунида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш, ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган ҳужжат имзоланди.

(ЎзА).

МАЛАЙЗИЯДА ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ

Ўзбекистон-Малайзия муносабатлари тарихи яна бир воқеа билан бойиди: Куала Лумпурнинг муҳташам «Федерал» меҳмонхонаси мажлислар залида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон. Бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли», «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобларининг тақдимоти бўлди.

Тақдимот маросимида Малайзия вазирликлари, йирик компаниялар, банклар раҳбарлари, ишбилармонлар, сармоядорлар, жамоатчилик вакиллари, журналистлар ҳозир бўлишди.

Ўзбекистон давлат матбуот қўмитаси раиси Рустам Шоғуломов Ўзбекистон Президентининг ҳар учала китоби ҳақида йиғилганларга атрофлича маълумот берди.

— Жўғрофий нуқтаи назардан қараганда, мамлакатларимиз бир-биридан жуда йироқ, — деди тақдим маросимида сўзга чиққан Малайзия маданият, санъат, туризм ишлари вазири жаноб Сабаруддин Чик. — Аммо талай муштарак жиҳатларимиз борки, улар бизни бир-биримизга яқинлаштиради.

Ўзбекистон ҳам, Малайзия ҳам мустамлакачилик асоратини кўрган қисматдош давлатлар. Бахтимиз шундаки, биз икки мамлакат халқлари тарихнинг масъулиятли лаҳзаларида ўзимизни йўқотиб қўймадик. Истиқлолга эришиб, эркин тараққиёт йўлига чиқиб олдик.

Ўзбекистон ҳам, Малайзия ҳам табиий бойликлари, ақл-заковат салоҳиятига таяниб, тез суръатлар билан ривожланаётганини бугун бутун дунё эътироф этмоқда.

Президент Ислом Каримов жанобларининг Осиё-Тинч океани ҳавзаси мамлакатларига расмий сафарлари давомида бизнинг давлатимизга ҳам ташриф буюришлари, Малайзия Бош вазири Маҳатхир Бин Муҳаммад жанобларининг Ўзбекистонга ташрифи савдо, иқтисодий, маданий алоқаларимиз мустаҳкамланишига замин яратди. Бугунги тадбир ҳам мана шу эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ислом Каримовнинг китобларини мутолаа қилиш асосида Ислом Каримов менда ҳам давлат арбоби, ҳам назариётчи, ҳам амалиётчи сифатида катта таассурот қолдирди, — дея давом этди жаноб Сабаруддин Чик. — Ўзбекистон раҳбари иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотлар истиқболига равшан назар ташлайди. Ислом Каримовнинг таъкидлашича, истиқлол ва тараққиёт дастурини амалга ошириш жараёнида авваламбор, иқтисодий барқарорликни таъминлаш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, товар ишлаб чиқариш, хизмат соҳасида чинакам рақобат муҳитини яратиш керак. Буларнинг барчаси иқтисодиётни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаради, жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиш жараёнини тезлаштиради.

Ислом Каримовнинг ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашга доир мулоҳазаларини жуда тўғри ва ўринли деб биламан. Ёш давлат учун бу айниқса ҳаёт-мамот масаласидир.

Китоб саҳифаларида таълим-тарбия, аждодларингиз қолдирган моддий, маънавий бойликларни асраб-авайлаш хусусида катта жонкуярлик билан айтилган фикрлар ҳам борки, бу Ўзбекистон раҳбарининг илм-фан, маданият, маънавиятнинг чинакам ҳомийси эканлигидан далолат беради.

Ислом Каримов асарлари Малайзия миллий кутубхоналаридан муносиб ўрин олиб, юртдошларимизнинг Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурини янада бойитишига ишончим комил.

Тақдимот маросимида кўплаб сармоядорлар, ишбилармонлар, иқтисодчилар ҳам сўзга чиқиб, Ислом Каримов китобларидан олган таассуротларини ўртоқлашдилар.

Малайзия китобхонларини қизиқтирган саволларга жавоблар берилди.

Муҳаммад РАҲМОН.
(ЎзА).



НОН МЎЛЛИГИ — ЭЛ ТЎҚЛИГИ

СУРАТЛАРДА: 1. Балиқчи туманидаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси хамир қорувчиси Ҳабибулла Охунов. 2. Макарон цехи ишчилари (чапдан) Мухторали Охунов ва Ғуломжон Саидов.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.



Ўзбекистон ва жаҳон

МУРУНТОВ МАЪДАНЛАРИ ЛОНДОН БИРЖАСИДА

«Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонасининг иш бошлаганига бир йилдан ошди.

Шундай янгиликлар бўладики, ўз мазмун-моҳияти жиҳатидан тарих зарварақларига муҳрланади. Буни Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлигининг рамзи бўлмиш «Зарафшон — Ньюмонт» қўшма корхонаси мисолида яққол кўриш мумкин. Ўзбекистон — Америка ҳамдўстлигида янги уфқлар очган «Зарафшон — Ньюмонт» қўшма корхонаси дунё ҳамжамиятига молик янгиликдир. Чунки олтин қазиб олиш ва уни қайта ишлашда ўзига хос тажрибага эга бўлган «Ньюмонт майнинг корпорейшн» компанияси ниҳоятда машҳур. Бу компания айни пайтда жаҳоннинг 150 га яқин мамлакатлари олтин конларида Мурунтовдаги каби амалий ҳамкорликда иш олиб боряпти. У ўта мукаммал асбоб-ускуна ва замонавий технологияга эга. Мурунтов олтин кони учун ана шундай илғор технология зарур эди. Шунинг учун ҳам машҳур «Ньюмонт Гоулд» танланди. Унинг асрий Қизилқум ва Мурунтов учун яна бир хусусияти — иккиламчи тоғ жинсларини шовқинсиз, чиқитсиз қайта ишлаб соф маъдан ишлаб чиқаради. Мазкур корхонанинг яна бир жиҳати — табиатга, атроф-муҳитга ўта зарарсизлигидир. Унда 9 та ихчам ҳаво тозалагичлар ва ўнлаб чанг ушлагичлар мавжуд.

Қўшма корхонанинг таркибий-ташкилий даврига бир йил тўлди, дедик. Ана шу қисқа вақт мобайнида корхонанинг лойиҳа қуввати жиҳатидан иш ҳажми 90 фоизга чиқди. Аниқроғи, у бир йил ичида қарийб 14 миллион тонна тоғ жинсларини қайта ишлаб, жаҳон стандарти даражасидаги олтинни ишлаб чиқара олди. Корхонанинг йиллик иш ҳажми шуни кўрсатадики, атиги 2-3 йилда барча қилинган сарф-харажатларини тўла қоплаш мумкин.

Корхона бош директори ўринбосари Анатолий Варфаламеевнинг қайд этишича, қўшма корхона ишлаб чиқараётган Мурунтов маъданлари хорижда, жумладан, Лондон биржасида сотиляпти. Бу соф доллар ва чет эл валютасидир. Сармоя кўпайиши, доллар ортиши эса эртаси буюк давлат — Ўзбекистоннинг мустаҳкам пойдевори демакдир.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1996 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклари иштирок этди.

Сотув ҳажми 26,79 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати 48,10 сўм даражасида қайд этилди.

Ваколатли банклар эркин муомаладаги нақд валютани айирбошлаш шаҳобчалари орқали сотишда уларнинг сотиш ва харид қилиш қийматини талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайдилар. Валютани аҳолидан сотиб олишда воситачилик ҳақи олинмайди.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ТАМАЛ ЗЎРМИ, АМАЛ?»

Ғазетанинг шу йил 10 октябрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида мақола чоп этилган ва унда Сирдарё вилоятининг «Оқолтин» тумани ҳокимлигида раҳбарликнинг авторитар, тазйиқ ўтказиш усуллари илдиз отганлиги танқид қилинган эди. Ушбу мақола юзасидан вилоят ҳокими ўринбосари И. Курбонов имзоси билан жавоб хати олинди. Унда жумладан шундай дейилади:

Вилоят ҳокимлиги «Ўзбекистон овози» рўзномасининг 1996 йил 10 октябрь сонида чоп этилган «Тамал зўрми, амал?» сарлавҳали мақолани атрофлича ўрганиб чиқди ва қуйидагиларни маълум қилади.

Рўзномада босилган мақоладаги далиллар ўз исботини топди.

«Оқолтин» иқтисод ва бизнес коллежи директори Е. Ҳайдаров билан ўтказилган суҳбатда, у рўзномада мақола чиқиши билан қаноатланганлиги ва ҳозирги кунда туман ҳокимлиги билан биргаликда иш юритаётганлигини билдирди. Мақолада қайд этилганидек, тазйиқ ўтказишга уринган туман ҳокими ўринбосари Х. Дониёров вазифасидан озод қилинган ва бошқа ишга ўтказилган.

Уша пайтда туман ҳокими вазифасида ишлаб турган А. Қаюмов 1996 йил 10 октябрда ўз вазифасидан озод қилинган.

Туманда бундай ҳолатнинг такрорланишига йўл қўймаслик туман ҳокимлигига топширилди.

АНТИҚА «ИСЛОҲОТ»

Ўзбекистоннинг энг жанубий туманларидан бўлмиш Сариосиёнинг ташкил этилганига бу йил етмиш йил тўлди. Ўтган бу катта даврнинг ўзига яраша қувонч ва ташвишлари бир китобга сиққулик. Айниқса, кейинги беш йил Сариосиёни улкан синовлардан ўтказди.

Хўш, жўғрофий ва иқлимий жиҳатдан ҳар томонлама қулай жойда жойлашган бу гўшада бугуннинг ҳавоси қандай? Нега айнан шу туман негизида ташкил этилган қушни Узун туманида деярли барча соҳаларда юксалишлар сезиляпти-ю, бу ёқда эса аксинча, ортга қайтиш, оқсаш ҳукмронлик қилаяпти, деган аччиқ, аммо ошкора, дардли саволлар туғиляпти. Очиғи, бу ердаги ҳақиқий аҳвол билан танишсангиз, кейин англаб етасиз.

Туғри, бозор иқтисодиётининг ўзига яраша қонун-тамойиллари бор. Уни чуқур тушуниш осон кечмаётгани ҳам сир эмас. Лекин Сариосиёда кейинги тўққиз ойлик таҳлиллар шуни кўрсатдики, туманда ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларнинг мевалари кўринмаяпти. Айниқса, чорвачилик ва деҳқончиликнинг аҳволи ниҳоятда ачинарли. Энг ёмони, ҳар қандай мамлакатнинг эртанги тақдирида катта роль ўйнайдиган хусусийлаштириш жараёни олдинга қараб эмас, орқага кетаётир.

Яхшиси, мисолларга мурожаат қилайлик: туманда 110 та деҳқон-фермер хўжаликлари, юзга яқин тадбиркорлик тизимлари, 7 та хусусий корхона, 14 та кичик корхона 21та ҳиссадорлик жамияти ҳужжатлар бўйича «фаолият» кўрсатяпти. Яна бир ажабланарли жиҳати, хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида шундай катта бир туманда ҳеч қандай режа ҳам, дастур ҳам йўқ. Қулгули бир далилни қаранг: тўрт марта кимошди савдоси ўтказилиб, 31 та ер майдони, 17 та автомашина сотилган. «Сотилган» дейишга ҳам уяласан, киши! Негаки, савдодан бир сўм ҳам пул тушмаган? Бу кимошди савдосими ёки...

Энди «хусусийлаштирилган» корхоналар ҳақида. «Гунча» хусусий корхонаси 1993 йил маиший хизмат уйидан ажратиб олиниб, хусусийлаштирилган. Лекин фаолият доираси ҳамон эскича, тикиш-бичиш, суратчилик, таъмирлаш... Ҳуллас ҳеч нарса ўзгармаган. 23 киши меҳнат қилаётган корхонанинг эртаси нима бўлишини ҳеч ким айтолмайди.

Ёки ҳиссадорлик жамиятларининг фаолиятини оладиган бўлсак, Сариосиёда олиб борилаётган бу антиқа «ислоҳотлар»нинг бор бўй-басти кўриниб қолади. Чунки мамлакатимизда кўпгина корхона ва ташкилотлар ўзларининг қимматли қоғозларини чиқариб, ишчи-хизматчиларини ҳар томонлама ҳимоя қилаётган бир замонда бу ёқда оддийгина дивидендлар ҳақида гап очсангиз, туман раҳбарлари елка қисишдан нарига ўтишмайди.

Бу ҳаммаси эмас!

Бундай аччиқ мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Туманда аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш даражаси йил сайин пасайиб боряпти. Ахир ўйлаб кўринг: ҳатто кийим-кечакларни кимёвий йўл билан тозалайдиган биронтаям корхонаси бўлмаган, ҳаммом, қоларверса, турли маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари иши ўз ҳолига ташлаб қўйилган Сариосиёда энди аҳоли турли қатламларининг яшаш тарзи, саломатлиги, ижтимоий ҳимояси қай даражада эканлигини ўзингиз тасаввур қилаверинг.

Вақт — одил ҳакам. Унинг ҳар йили, ойи, куни, ҳатто лаҳзаси ҳам ғаниматдир. Шундай экан, биз сариосиёлик раҳбарларга Президентимизнинг халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгаши сессиясида қуйиниб айтган қуйидаги сўзларини эслатиб қўймоқчимиз: «Одамлар дардига қулоқ солмайдиган, ўзининг манфаатидан бошқа нарсани ўйламайдиган, турмушимиз фаровон бўлишига тўғаноқ бўлаётган, халқ мулкини талонторож қилаётган таъмагир мансабдорлар энди этагини йиғиштириб олсин».

Шарҳга ҳожат бўлмаса керак.

Рустам ДАВЛАТОВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

ГАЗЕТАМИЗ НАШР ИНДЕКСИ:

ЯККА ТАРТИБДА ОБУНА БУЮРТМАЧИЛАР УЧУН — 64583.
КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР УЧУН — 64588.

Ф СП - 1

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"
(нашр номи) (нашр кўрсаткичи)
рўзномасига ОБУНА
обуна сони
1997 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)
Кимга
(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п. в.	жойи	(нашр кўрсаткичи)

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"
(нашр номи)

обуна янги манзилга юборилиш	баҳоси	сўм	обуна сони
	баҳоси	сўм	

1997 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)
Кимга
(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

• *Ислоҳот ва замон*

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ – ЭРКИН ИҚТИСОДИЁТ

Суҳбатдош: Қарши Давлат педагогика университети иқтисод назарияси кафедрасининг ўқитувчиси, доцент, иқтисод фанлари номзоди Эркин ЖАЛОЛОВ.

— Бозор иқтисодиётига ўтишни албатта, маълум қийинчиликларсиз амалга ошириб бўлмайди. Аммо шуларни оз бўлсада, осонлаштириш, халқнинг аҳволини янада енгиллаштириш учун нима ишлар қилиш лозим, деб ўйлайсиз?

— Ўзбекистон бозор иқтисодиётига асосланган одил жамият, кучли демократик ҳуқуқий давлат қуриш учун босқичма-босқич олга бормоқда. Бозор иқтисодиёти эркин товар пул муносабатларига асосланган, иқтисодий монополизмни инкор этувчи, ижтимоий мулжалга — аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш йўналишига эга бўлган ва бошқарилиб турувчи иқтисодиётдир.

Бозор иқтисодиёти — эркин иқтисодиёт. Иқтисодий фаолият эркинлигининг асоси ишлаб чиқариш омиллари ёки яратилган товарларнинг мулк объекти бўлиши, мулкдорларнинг эса мустақилликка эга бўлишидир. Ҳар бир корхона, ташкилот, айрим фуқаро ўз ихтиёрига кўра ўзига маълум бўлган иш билан шуғулланади. Хўжалик юритувчилар фаолияти бир-биридан алоҳида ҳолда бўлади. Чунки улар биринчидан мулк эгалари, иккинчидан меҳнат тақсимоти асосида ихтисослашиб, муайян иш билан шуғулланадилар.

Шуни билиш лозимки, давлат аралашмайдиган эркин бозор ривожланган капиталистик давлатларда ҳам йўқ. Бизда ҳам давлат аралашувисиз эркин бозорга йўл қўйиб бўлмайди. Сабаби у фуқаролар манфаатини ҳимоя қилади.

Бозор иқтисодиётининг ўзига хос адолатли қоидалари бор. Иқтисодиётдаги ресурслар миқдори уларнинг самарасига қараб ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларни тақсимлаш ва шунга мос равишда даромадга эга бўлиб, юқори фаровонлик даражасига чиқиш адолат ҳисобланади. Аммо адолат тамойили ҳаммани баравараштириш эмас, балки жамиятнинг табақалашувини билдиради. Иқтисодий субъектлар меҳнатига, ишбилармонлигига ва мулкига қараб бир-биридан фарқланади, шу сабабли уларнинг даромади, турмуш даражаси ва жамиятдаги мавқеи бир хил бўлмайди. Бундан беш-олти йил илгари даромадлар бир текисда сақланиб, кишиларни иқтисодий жиҳатдан баравараштиришга, интилиш етакчи ўринда турарди. Бизда давлат манбалари билан бир қаторда ҳозир меҳнат жамоалари, жамоат ва хайрия ташкилотлари ҳамда жамғармаларнинг маблағларидан ҳам фаоллик билан фойдаланилмоқда. Айниқса, мамлакатимизда маҳалла орқали муҳтожларга ёрдам бериш ижтимоий кўмаклашишнинг энг содда, аммо самарали ва очиқ воситасига айланди.

Муҳтож оилаларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш учун ўзини-ўзи бошқариш органларига тайинли ресурслар ажратиб бериш мақсадида маҳаллаларда республика ва маҳаллий бюджет маблағлари, шунингдек, корхона ва ташкилотларнинг тадбиркорлик тузилмалари ва айрим фуқароларнинг ихтиёрий равишда ўтказган маблағлари ҳисобидан махсус жамғармалар ташкил қилинди. 1995 йилда Қашқадарёда шу мақсадлар учун бюджетдан 1,5 млн. сўм ажратилди. Бу йил эса 6 миллион сўм ажратилди.

—Талабалар иқтисод фанига қандай ёндашяптилар?

— Бу фанга нисбатан талабаларнинг, умуман ёшларнинг қизиқиши ҳозир ниҳоятда кучли. Ахир, етук иқтисодий билимларсиз иқтисодий фаровонликка эришиб бўлмайди-да. Дарслардаги иштироки ва ўзлаштирилиши назорат қилинганда уларнинг иқтисодиётни ўрганишга иштиёқмандлиги сезиляпти.

Маълумки, иқтисодиёт ҳар бир киши, жамият ҳаётида муҳим ўрин тутади. Иқтисодий аҳволга қараб ижтимоий ҳаёт шаклланади. Ҳозирги вазиятда жамиятимизда иқтисод назарияси фанини билишга интилиш кучайди.

Назарияни билиш нафақат амалий фаолият учун, балки иқтисодий иш билан шуғулланмайдиган кишилар учун ҳам керак. Чунки улар ҳеч бўлмаганда истеъмолчи бўлиб майдонга чиқадилар, пул топадилар, уни сарф-лайдилар. Оила бюджетини юритадилар. Умуман олганда иқтисодий муносабатларга киришмайдиган бирор кишини топиш қийин. Талабалар учун у айниқса муҳим фанлардан бирига айланган десам муболаға бўлмайди.

Нилуфар ТУРСУНОВА.

Обуна — 97

КЎНГЛИНГИЗГА НУР КИРАДИ

Азиз журналхонлар!

Ошкора, самимий мулоқотга иштиёқингиз бўлса, ўзингизга ҳамдард, кўнглингизга яқин дўст топмоқчи бўлсангиз «Мулоқот» журналига обуна бўлинг!

Агар суюкли Ватанимизнинг, буюк миллатимизнинг ўтмиши ва бугуни ҳамда миллатнинг таянчи бўлган улуғ тарихий шахслар ҳақида кенгроқ ва батафсилроқ маълумотга эга бўлишни истасангиз, юрт равнақига хизмат қилишга бел боғлаган «Мулоқот» журналига ёзилинг!

1997 йил учун обуна мавсуми давом этмоқда. Давримизнинг энг долзарб масалаларига дадил муносабат билдирадиган, халқимиз тарихи, унинг бой маданий мероси ва анъаналарини кенг тарғиб қилиш асосида миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришга катта ҳисса қўшаётган, энг демократик ва энг халқчил «Мулоқот» журнали кўнглингизга нур, хонадонингизга файз, онгингизга зиё бахш этишига ишонамиз.

Агар Сиз журналга ўз вақтида обуна бўлсангиз ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан ютасиз. Чунки журналнинг чакана савдодаги нархи обуначи оладиганидан анча қимматга тушади. Чинакам ўқувчи учун обуна энг қулай имконият.

Индексимиз:

Якка тартибдаги обуначилар учун — 75401.

Ташкилотлар учун — 75406.

Соғлом авлод учун

ДОРИШУНОСЛИК РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

Тошкентдаги «Ўзкимёфарм» очиқ турдаги акционерлик жамияти аҳолининг сифатли дори-дармонларга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, замонавий доришунослик борасида ушбу корхона Ўзбекистондаги ягона заводдир. Республикамиз мустақилликка эришгач, тиббиётда, хусусан, доришуносликда ҳам улкан ўзгаришлар юз берди. Мамлакатимиз ҳукумати бу соҳага алоҳида эътибор бермоқда. Энг муҳими, доришуносликда асосий мақсад фақат миқдорни кўпайтириш бўлиб қолмасдан, балки юқори сифат даражасига эришиш бўлиб қолди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил август ойида қабул қилган «Республикада дори-дармонлар ва тиббий буюмлар билан таъминлашни ва уларни тақсимлашни яхшилашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, шу йилнинг август ойида эса «Ўзбекистон Республикасида тиббиёт ва фармацевтика саноатини ривожлантиришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари муҳим аҳамият касб этди.

Эндиликда «Ўзкимёфарм» очиқ турдаги акционерлик жамияти ходимлари мендан кетгунча, эгасига етгунча қабилида иш юритишга чек қўйишган. Маҳсулот сифатини янада яхшилаш мақсадида корхона цехларида туб ўзгаришларни амалга ошириш мўлжалланяпти. Очиқ турдаги акционерлик жамиятига айлантирилгач, бу ердаги ишга ёндашиш тамоман ўзгарди. Авваламбор номинал қиймати юз сўмлик бўлган акциялар чиқариш режалаштирилди.

Шундан сўнг очиқ турдаги акционерлик жамиятининг Низом фонди белгиланди. Ушбу жамғарма 55 миллион 574 минг сўмни ташкил этди. Халқимизга сифатли дори-дармонлар етказиб бериш мақсадида 1995 йилнинг декабрь ойида Германия Федератив Республикаси билан ҳамкорликдаги қўшма корхона ташкил этилди. Ушбу қўшма корхона «Ўзбек-Хёхстфарм» деб атала бошланди. Германиялик ҳамкорлар корхонани ривожлантиришга ҳар томонлама ёрдам беришаётир. Масалан, ўзлари ишлаб чиқарган дорилар хом ашёсини шу ернинг ўзида қадоқлашаётир.

Дори-дармонларнинг сифати корхонанинг ўзида яхшилаб текширилади. Бу ерда самарали ишлаб турган техник назорат бўлими авваламбор дори-дармонларни синовдан ўтказади ва сотувга чиқаришга рухсат беради. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги дори-дармон препаратлари, тиббий-техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармасининг вакиллари ҳам маҳсулотларни назоратдан ўтказадилар.

Кейинги йилларда завод цехларидан кўплаб янги препаратлар ҳаётга йўл олди. Масалан, «Метронидазол», «Левомицетин», «Клофелин», «Анальгин» таблеткалари, «Алоэ» инъекция эритмаси, никотин кислотаси инъекция эритмаси, витамин B_{12}, B_6, B_1, инъекция эритмалари, кўкрак элексири, пертуссин, тирноқгул настойкаси (календула), 1 фоизли салицил спирти эритмаси, наъматак қиёми, қизилмия илдизи қиёми сингари дори-дармонлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилиб, саноат миқёсида кенг йўналишда тайёрланмоқда.

Корхонада бешта цех узлуксиз ишлаб турибди. 800 дан зиёд ишчи-хизматчи ҳақиқий маънода ишнинг кўзини биладиган тажрибали ходимлардир.

— Корхонамиз очиқ турдаги акционерлик жамиятига айлантирилгач, жамоамизнинг касбга бўлган муносабати тамоман ўзгарди, — дейди акционерлик жамияти раиси Саъдулла Асатов. — Бинобарин, бизда ташмачилик ҳоллари камайди. Ахир ўз мулкини ҳеч ким ўғирламайди-да. Энди хом ашё масаласига келсак, бизда ҳозирча бу борада муаммолар йўқ эмас. Биз асосий хом ашёни республикамиз ҳудудида ўсадиган ўсимликлардан деб биламиз. Бундан ташқари Россия ва Украинадан ҳам хом ашё келтирилади. Шунингдек, «Трейдинг Фарм» қўшма корхонаси хорижий давлатлардан бизга зарур ашёларни келтириб беради.

Акционерлик жамиятида ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш эътиборда. Бу ерда ўртача маош 3000 сўмни ташкил этади.

— Акционерлик жамиятимизда ишчиларга ажратилган қулайликларга кўпчилик корхоналар ҳавас қилса арзийди. Бинобарин, касаба уюшмамиз одамларнинг соғ-саломат бўлишлари учун кўп иш қилмоқда, — дейди корхона касаба уюшмаси раиси Дилдора Абдуллабекова. — Чунончи, шу йилнинг ўзида Тошкентдаги «Турон» санаторийсига арзон нархда йўлланмалар тарқатдик. Ишчи- хизматчиларимиз нархи 9 минг сўмлик бўлган йўлланмаларга бор-йўғи 900 сўм тўлашди. Шу йил бошидан бери 30 дан ортиқ кишига ана шундай йўлланмалар берилди. Биз шунингдек, хайрия ишларини ҳам йўлга қўйганмиз. Масалан, республика «Қизил Ярим Ой» жамиятига 30 минг сўмлик дори-дармон бепул берилди. Дарвоқе, корхонамиз ишчи-хизматчиларининг транспортда юриши учун ҳам, овқатланиши учун ҳам маблағ ажратилган. Республикамизнинг турли вилоятларидаги даволаш масканларига, дам олиш оромгоҳларига йўлланмалар берилмоқда. Шунингдек, шанба, якшанба кунлари Сирдарё бўйидаги оромгоҳимизда дам олиб қайтишади.

Айтмоқчи, акционерлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар мамлакатимизда, ҳатто қўшни давлатларда ҳам машҳур бўлиб бораётир. Шу боис ҳам корхона ўз маҳсулотларини доимий мижозлари учун 10-15 фоизга арзонлаштирилган нархларда сотаётир. Бу албатта мижозларга қулайлик яратади.

Ҳуллас, эл саломатлиги йўлида хизмат қилаётган доришуносларнинг шу кунлардаги ибратли ишлари диққатга сазовордир. Илғорликни қўлдан бермай халқимизга сифатли дори-дармонлар етказиб бераётган инсонларга: «Қўлингиз дард кўрмасин», деймиз.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ.



Болажон, кўзларингда қуёш кулади.
Содиқ МАҲКАМОВ олган сурат.

Миллий ғурур

«ЎЗИМИЗНИНГ «НЕКСИЯ» ҲАММАСИДАН ЯХШИ-Я»

Яқинда Самарқандга борганимда қишлоғимиздаги бир маъракада отахонлар гурунги устидан чиқиб қолдим. Боболаримиз «Қайси машина зўр, ўзимизда чиққаними ёки урисларникими», деган масалада тортишиб турган экан.

— Э, келдингми улим, мана шу Донабой гажир бовангга тушунтириб қўй. Бизар ўзимизнинг «Нексия» ҳаммасидан яхши десак, у импортний машиналарни мақтаб ўтирипти, — дейди қуйиниб 75 ёшли Бойзоқ бобо.

Донабой «гажир» деганлари қишлоғимиздаги шартаки, чўрткесар отахон бўлиб, у бир нарсага астойдил ишонмаса, айтган гапидан қайтмайдиганлардан. Шу боис, аввалига бирон жўяли фикр айтишга шошилиб қолдим, лекин дарров чўнтагимда «асосли далил» борлиги хаёлимга келди. Куни кеча газетада эълон қилинган «Автоваз»тан олди: «Нексия» «Жигули»дан афзал экан» мақоласини даврадагиларга ўқиб бердим.

— Вот, нима девидик сенга, — Бойзоқ ота магрур «гажир» бобога қарар экан сўзида давом этди. — Узи зўр замон келди-да. Ҳаш-паш дегунча битта мошин завод қуриб ташланди. Бизарди давримизда битта қурилиш беш-ўн йилга чўзилиб ётарди. Буларнинг ҳаммаси мустақиллик шарофати...

— Гапинг туври. Газитда ҳақиқатти ёзишади, — ниҳоят Донабой бобо ҳам тан олди. — Урисларникидан ўтипти дейилиптима, демак мошинларимиз зўр экан-да. Лекин, — бобо яна «ўжар»лигига борди, — шу Асакага бир эскурсияга (экскурсия демоқчи) борсак бўларкан...

— Телевизорда кўрсатишяпти-ку, — эътироз билдиргандай бўлдим.

— Э, бориб ўз кўзинг билан кўрган бошқача-да, улим. Мана, Тошкентда Темур бовамизга ҳам музей очилипти. Униям бир кўрсак...

— Худа хоҳласа бирга борамиз. Катта улим «ўзимизда чиққан мошиндан оламан», деб турипти. — Бойзоқ бобо хурсанд бўлиб гапирди. — Ўзи Тошкенда ишлайди. Шунда музейга ҳам олиб борар...

— Насиб қилса, — Энди суҳбатга якун ясади «гажир» бобо. — Мулла Равшан, бир яхши ният билан омин қилинг.

— Илоҳо омин, — қишлоғимизнинг 90 ёшли энг кекса отахони дуога қўл чўзди. — Юртимизда доимо тинчлик, тўкинлик бўлсин. Бола-чақа, невараэвараларимиз билан соғ-саломат бўлайлик. Барчамизга ўзимизди мошинда юриш насиб этсин. Оллоҳу акбар!

Яхши ният — ярим давлат, дейдилар. Ажабмас, яқин келажакда ҳар биримизнинг хонадонимизда Асака автомашиналари гижинглаб турса!

Аслиддин БОЛИЕВ.

Айтсам тилим куяди, айтмасам...

ТИЛ УЧИДАГИ СЎЗ

Элда «Тилимнинг учида турган эди-я» деган ибора бор. Ҳозир сиз билан фикрлашмоқчи бўлганим кўп йиллардан буён тилимнинг учида турган сўз. Кимдир бу сўзни эслай олмаганидан айтолмаса, кимдир имконсизлигидан тилга чиқара олмайди. Бугун имкон майдони кенгайди...

Рости, мен бу яқин фурсатда сархуш ҳолда беўхтиёр думалаб ётган бирорта қора қош, қора кўз жигаримга кўзим тушмади, ё оғзидан туфук сачратиб, боди кириб, шоди чиқаётган эркагини судраб келаётган атлас қўйлакли аёлга ҳам дуч келганим йўқ. Автобус ё метрода бадбўй анқитиб, одамларни ўзидан итараётган дўппи, тўн кийган кишига ҳам рўпара келмадим. Аслида шунисига шукр қилиб жимгина юрсам ҳам бўларди-ю, аммо...

Аммо мени кўз дафъатан ўзига сиғдириши мушкул бўлган баҳайбат столга ҳафсала билан терилган турфа (ёзиқли) ёрлиқли шишалар олдида учиб-қўниб чапдастлик билан савдо қилаётган йигитчалар безовта қилади.

— Қанақа кетяпти? — дейман ички оғриғимни бепарво овоз билан пардалаб. — Сувдай. Сизга қанақасидан керак. Ўзимизникими ё?.. Йигитчалар таърифни келиштирадилар: — Қанча оласиз ўзи, кўпроқ керак бўлса, ками бор...

— Кимлар кўпроқ харид қилади?

Уларга серсавол харидор ёқмайди: — Оласизми ўзи... Яхшиси, акамларни юборинг, бу эркак кишининг иши!

«Балли, жигарим, мен ҳам сен билан айнан шу эркак кишининг иши ҳақида гаплашмоқчи эдим» демоқчи бўламан».

Барибир бу ҳолатимни бугун билан боғлагим келмайди. «Ҳаммаси кечадан бошланган, кечадан» деб ўжарларча такрорлайман. Ва айтганларимга ишонгим келади.

ҚАНИ, ҲУШЁР ЯШАБ КЎР

Шоир Анвар Обиджоннинг шундай бир учлиги бор:

Деди кекса бодахўр:
Қани, ҳушёр яшаб кўр,
Ҳушёрликка чидасанг.

Мен ичкиликка мойиллик илдизларини шоир айтган нуқтадан излайман. Октябрь тўнтаришининг дастлабки кунлариданоқ ҳаётга очиқ кўз билан қарайдиган кишилар ҳушёр яшаш мушкуллигини ҳис эта бошладилар. Халқимизни тобе, бутунлай эрксиз кўришни истаганларга эса бизнинг ҳушёрлигимизнинг мутлақо кераги йўқ эди. Ароқ эса одамларни тиниқ фикрлашдан чалғитадиган, бўғзигача ғафлатга ботириб ташлайдган қурол эди. Бу қурол «Тенглик, адолат» шиори билан Ватанимизга кирган босқинчилар учун ғоят ўнғай эди-у оғритмасди, чопмасди, кесмасди, балки кайф берарди, ҳаётнинг асл қиёфасини пардалар, унуттирар эди...

Ўйлаганларимни тасдиқловчилар ҳам, рад этувчилар ҳам бор: «Тўғри айтяпсиз. Ватан урушидан кейин ҳукумат икки-уч бор ароқнинг нархини туширди. Бу «ичаверсанг, ҳаётнинг оғирлигини сезма, оёғингни гандираклаб дуч келган ерга ташла, ҳеч нарсани таҳлил қилишга фаҳминг етмасин!» деганн эмасми» — дейди тасдиқловчилар.

«Олинг-а, Октябрь тўнтаришигача йўқ эдими у жонивор, номи май, шароб бўлса, сизнингча, бошқа нарса эканда «ўзимизнинг ота-боболаримиз ҳам...» — дейди эътироз билдирувчилар.

Ҳа, сархуш қиладиган ичимликдан ота-боболаримиз мутлақо бенасиб бўлган, демоқчи эмасман. Лекин қайси салтанатда ичишга мойиллик кучайса, ўша жойда фитна-фужур, хоинлик авжланган. (Биттагина шаҳзода Мўмин Мирзонинг қатли воқеасининг ўзи исбот учун етарлидир). Кимки Ҳазрат Соҳибқирондек, ичиб ичкарига қадам босишни ман этсагина салтанатда кўзу (кўпчилик) кўнгилни қувонтирадиган ўзгаришлар, юксалишлар бўлган. Ахир, «бодани ғанимат тут» деган ҳазрати Бобур ҳам Ҳиндистон остонасида ўз лашкарларига чоғир ичишни тўхтатмоқ ҳақида буйруқ қилганлари тарихий ҳақиқат-ку!

...Аммо бугун спиртли ичимликни ман қилиш ҳақидаги бирон бир фармон бу одат (ҳа, одат-расмга айланиб бўлди) йўлига тоғ бўлиб ўсиб чиқади дея олмайман. Агар шундай бўлганда собиқ шўро давлати ичкиликни тақиқлашни уддалаган бўларди. Аммо унинг фармонидан сўнг ҳушёр яшамасликка кўникканлар ва мазахўрак бўлиб қолганлар самагон, у топилмаганда атир ичишди, ҳатто, тиш пастасини истеъмол қилишгача етиб боришди. **Булар кечаги гаплар.**

Нима бўлгандаям ароқни русумга киритганлар киши билмас қилган мақсаду муродларига бир қадар етдилар. Дастурхонимизда, катта-кичик йиғинларда нон билан бирга ароқ қўшиб тортиладиган бўлди...

БИЗДАН ДУОЛАР, СИЗДАН...

Негадир бугун ранг-баранг шишаларга бино қўйиб «сувдай кетяпти» деб қувонаётган йигитчалар ҳам, чойхоналарда чойнакка шишани ағдариб қиттай-қиттай қилаётган оғалар ҳам, «анави тўйига тўрт қути кетказган бўлса, мен ўнта олдим» деб пойга қилаётган инилар ҳам эртага батамом ўзгаради, деб ўйлайвераман. Ахир, бўрон гувиллаб келиб ғуборларини азим дарахтларга тўкиб кетгани билан дарахт умр бўйи кир яшаб ўтавермайди-ку!

Ёмғирлар ёғади,
насимлар эсади,
дарахт силкинади,
гардлардан тоза бўлади.

Биз силкинмаймизми? Насиб қилса, бир силкиниб, ўзимизга қайтамиз. Илло, қайтиш аллақачонлар бошланган.

Яна бир кичкина киноя: Мабодо: «нуқул сўзингиз боши оға-ини бўлди, ахир, аёллар ҳам унча-мунча...» деган таъналар бўлса, ўша чигалнинг ҳам учи аслида эркаклар қўлида. Ахир, эрлари қўрғон бўлган қалъа осмонига бургутлар ҳадик билан боқишармиш...

Қутлибека РАҲИМБОЕВА.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна "Матбуот уюшмаси" агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги "ПВ-Жойи" деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва "Матбуот уюшмаси" агентликлари ходимлари тўлғазади.

Бюрократлар ўқимасин

Ҳисрав Шаҳоний ШАРҚ

.. Мирза Маҳмуд узоқ йиллар давлат идорасида ҳалол хизмат қилди. Лекин амалга кўтарилиш борасида ҳеч омад чопмади. Идорадаги ҳамкасблари унинг соддадил ва самимийлигидан кулишиб, лақиллатишга, панд беришга уринишарди. У гарчи бундай муносабатни зимдан сезса-да вазминлигини бузмас, улар билан пачакилашишни истамасди. Айниқса оиласини, фарзандларини пешона тери билан топган маблағга боқиб келарди. Албатта, идорада бериладиган иш ҳақи оила эҳтиёжини қондиришга етмас, ҳар ойнинг бошида оладиган арзимас маошни ой охиригача зўрга, учма-уч қилиб етказарди. Рўзғор харажатларини доимо қатъий тартибда олиб боришигина уни муҳтожликдан сақлаб турарди.

Мирзанинг оиласи унча катта эмас, хотини, ўнинчи синфда ўқийдиган 17 яшар қизи. 7-ва 8-синфларда ўқиётган икки ўғлидан иборат. Маҳалласидагилар уни диёнатли, имонли ва инсофли мусулмон деб билишарди. Кимдан, баққолданми, қассобданми ё новвойданми қарз олса, тўлиқ узмагунча тинчимасди. Мирза Маҳмуд ҳаддан зиёд камсуқум, одамови бўлиб, иложи борича одамлар орасида ўзи ҳақида ортиқча гап-сўзлар айтилишига имкон туғдирмасликка интиларди. Унинг фарзандлари ҳам отасининг изидан боришди — камтарин, тарбияли, яхши хулқли, тоат-ибодатли ва фаҳм-фаросатли бўлиб ўсишди.

... Кунларнинг бирида эрталаб (бу воқеа 22 августда бўлганди) Мирза Маҳмуд фарзандларини янги ўқув йилида мактабга ёздириш учун отланди. Мактаб директори уни кўп йиллардан бери билар ва ниҳоятда ҳурмат қиларди. Салом-алик ва ҳол-аҳвол сўрашишларидан сўнг директор ўзича бироз хижолат чеккан бўлиб, кечирим сўраш оҳангида гап бошлади:

— Азизим, минг афсуски, бу йил андак мураккаблик бор. Ҳукуматнинг молиявий аҳволида бюджет танқислиги рўй берганлиги туфайлими ёки бошқа сабаблар биланми, хуллас, ўқувчилардан бу йил ҳар йилдагига қараганда етти юз туман ошиқроқ пул олишга қарор қилинибди.

Кутилмаган хабардан саросимага тушган Мирза Маҳмуд директорга ўйчан тикилиб:

— Ростданми? Мен бундан хабарсиз қолибман. Сизларга бундай фармон қачон келди? — деб сўради.

— Яқиндагина.

Хонага ўнғайсиз сукунат чўкди. Мирза Маҳмуд энди батамом тинчлигини йўқотган, иложсизликдан кўзларини мўлтиратиб, бошини чангаллаганича деди:

— Бундан чиқди, энди мен ҳар учала фарзандимни мактабга ёздиришим учун камида икки минг икки юз туман тўлашим, яъни, мен, хотиним ва бола-чақаларим билан роса икки ой қозонни сувга ташлаб ўтиришимиз керак экан-да?

Директор унинг юзига қарашга ботинолмай, ўзича қандайдир қоғозларни титкилай бошлади. Охири:

— Худо ҳаққи, бунда менинг ҳеч бир айбим йўқ. Аммо сиз учун бир йўл бор.

— Болаларни ўқишдан олишми?

— Йўқ. Йўқ! Бизга келган фармонда камбағал ўқувчилар тўловдан озод қилинади, деб кўрсатилган. Агар сиз болаларингизни ўқитиш учун пул тўлаш имконингиз йўқлиги ҳақида маълумотнома олиб келсангиз, сиздан пул олинмайди.

Мирза Маҳмуднинг пешонасини совуқ тер қоплади. Чидолмай бақира кетди:

— Мен— бутун умрини соф ва ҳалол ўтказган бир одам, ҳаммага эшиттириб: «Мен, қашшоқман, ёрдам қилинглар!» дейишим керакми?

— Мени тўғри тушунинг. Сизга бошқа ҳеч қандай ёрдам қилолмайман. Бу юқоридагиларнинг кўрсатмаси...

Мирза Маҳмуднинг юраги сиқилиб, боши тиниб кетди. Нима қилиш керак? Директорнинг айтганини қилса, одамлар онгида йиллар мобайнида вужудга келган унинг тўғрисидаги тасаввурларнинг томирига болта урилади, қилмаса— болалари ўқишини давом эттириш имкониятидан бенасиб қолади. У бир зумга кўзларини чирт юмди ва ниҳоят уни бутун оламдан ажратиб турган шу зулмат ичида бир қарорга келди:

— Хўш, мен бу қоғозни қаердан олишим керак?

— Полициядан. Агар ўз участкангиздан ололсангиз ташвиши камроқ бўларди.

Мирза Маҳмуд директор билан хайрлашиб, полиция участкасига борди. Унинг бу идорага биринчи бор келиши эди. Бу ерда ғалати қиёфали бегона одамларга дуч келди. Навбатчи офицер 22-24 ёшлардаги икки ёш йигитни сўроқ қилиб, расмий баённома тузарди. Улар ўтган тунда полиция қўлига тушган экан. Ёғоч ўриндиқда катта ёшли бир хотин, унинг ёнида эса ўрта ёшли иккита эркак ҳам ўтирарди. Кўринишдан бу аёл нашахона эгаси бўлиб, эркаклар унинг мижозлари эди. Уларга қарама-қарши ўриндиқда бўлса, қўйлаклари йиртилиб, қонга беланган болалар ва яна бир неча киши сўроқ беришга навбатда туришарди. Мирза Маҳмуд ҳам саломлашиб, уларнинг ёнидан жой олди.

Навбатчи зобит ўткир нигоҳи билан янги «мижоз»нинг ораста кўриниши, ўзига хос сиполигини кўриб, уни бу ерга махсус бир юмуш билан келган, деб гумон қилди ва ҳатто беихтиёр ўрнидан туриб, унинг таъзимига таъзим билан жавоб қайтарди ҳам. Икки ўғрини сўроқ қилиб бўлгач, папкасини ёпди ва бошқаларни қолдириб, янги кирган Мирза Маҳмудга алоҳида хушмуомалалик билан мурожаат қилди:

— Хизматларига тайёрман?

Бу самимийлик унинг сўлғин хаёлини бўлиб юборди ва ўрнидан туриб столга яқинроқ келди. Аммо ҳали ҳам унинг кўнгли шу қадар паришон, асаблари шунчалик таранглашган эдики, гапни нимадан бошлашни ҳам билмай, бироз каловланиб турди. Томоқлари қақраб, гўё тили тангалайига ёпишиб қолгандек эди.

— Хизматларига тайёрман! — яна такрорлади зобит.

— Ме-ен... айтмоқчи эдимки, шу... ҳа, яхшимисиз!.. Саломатликка оид... Офицер бирдан ҳушёр тортди:

— Раҳмат! Менинг саломатлигим жойида. Ўзларидан эшитайлик!

— Мен... шу... ҳалиги, нима эди ўзи? Ўшанинг учун... болалар учун...

— Ҳеч нарса тушунолмадим! Болалар учун... Нима? — деди у аччиғланиб.

— Болалар учун... Маълумотнома...

— Э, ҳа, тушундим, тушундим! — жилмайди.

— Сизга, болаларингизни маҳалладаги мактабга жойлаштириш учун, шу маҳаллада яшаётганлигингиз ҳақида маълумотнома кераг-а?

— Йўқ... ҳалиги... Ўқиш ҳаққига оид...

У хўмрайди. Сўнг тааж-жубланиб, қошларини чимирди ва ниҳоят Мирза Маҳмудга зимдан чамаловчи нигоҳ ташларкан, гап оҳангини бирдан ўзгартириб деди:

— Хўш, шундай қилиб сен бу ерга қашшоқ одам эканлигинг ва болаларингни ўқитишга пул тўлай олмаслигинг ҳақида қоғоз сўраб келгансан.

— Шундай, тақсир, — тортинибгина, журъатсизлик билан жавоб қилди у.

Навбатчи қаламини шартта столга ташлаб, унинг гапини чўрт кесди:

— Азизим, худо ҳаққи, бизга бунақа юмуш билан келувчилар сон-саноқсиз. Улар ҳам сенга ўхшаб пуллари тўлиб-тошиб ётган бўлса-да, арзимас пулини мамлакатимиз маорифининг тараққиёти йўлида сарфламасдан, шуни ҳам давлат хазинаси ҳисобидан юлиб қолиш илинжида. Ўзларини қоғозда қашшоқ ва дарбадар қилишиб кўрсатишга уринишади. Ўзинг менга қараганда яхшироқ кийингансан. Унақа қоғозни ҳақиқий муҳтожларга берамиз. Сенга ўхшаган, шимининг тахига қовун суйса бўладиган олифталарга эмас, албатта!

Мирза Маҳмуд ўзини йўқотиб қўйди. Боши ёрилгудай бўлиб лўқиллаб, чаккаларига қон тепди. Кўз олди қоронғулашди.

— Сиз мутлақо ҳақсиз, — деди у зўрға жилмаяркан. Балки, сизнингча, мен қонунларни четлаб, мажбуриятларимдан бош тортаётгандай бўлиб туюлаётгандирман. Аммо ишонтириб айтаманки, мен чин ҳақиқатни гапирдим. Бутун умримда бировни алдамаганман. Ишонинг...

Бу гаплар навбатчи офицерга таъсир қилди шекилли, шубҳасини тарқатиш ниятида сўради:

— Қанча маош оласиз, ўзи?

У оғринибгина очиғини айтди:

— Хўш, текшириб кўрамиз. Индин келсангиз, қароримизни аниқ айтамиз, — дея хайрлашди.

Форс тилидан Бахтиёр ТЎРАЕВ таржима қилган.

(Давоми келгуси сонда).

Акс-садо

НОМ ҚЎЙИШ МАСЪУЛИЯТИ

Яқинда газетада профессор Суюн Қораевнинг ҳудудий бирликлар, объектлар номларини тартибга солишга бағишланган «Чиройли номлар излаш шартми? номли муҳим ва долзарб, анча жиддий фикрли ва таклифли мақоласи эълон қилинди. Муаллифнинг жой номларининг муқаддас ва даҳлсизлигини таъминлаш, уларни миллийлаштириш, илмийлаштириш, тарихийлик томонларига аҳамият бериш тўғрисидаги фикрларига қўшиламиз.

Очиғини айтганда, жой номларини тартибга келтириш ҳали талаб даражасида эмас. Ўтган йилларда ном танлашда анча бошбошдоқликлар кузатилди. Бундан ташқари шўро давридаги номлар ҳали ҳам шундайлигича турибди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 31 майда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топономик объектларнинг номларини тартибга солиш тўғрисида»ги Қарорида топономик комиссиялар ишлари талаб даражасида эмас, деб топилди. Қарорда халқимиз тарихи ва миллий анъаналарга боғлиқ бўлмаган номлар ҳамон мавжудлиги, ҳокимликлар, улар қошидаги топономик комиссияларнинг етарли даражада фаолият кўрсатмаётганлиги таъкидланди. Вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар, корхоналар, кўчалар, майдонлар, хиёбонлар ва бошқа объектларга ном бериш, уларнинг номларини ўзгартириш ва тартибга солиш масъулияти шахсан юклатилди. Умуман жой номларини тартибга солишда ушбу қарор жуда катта тарихий аҳамиятга эга бўлиб, мақолада бу қарор негадир тилга ҳам олинмаган. Қарорнинг ижроси сифатида Тошкент шаҳар топономия комиссиясининг шаҳардаги айрим кўчалар, муассасалар номларини ўзгартириш ҳамда янги пайдо бўлган кўчаларни номлаш тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Бунга кўра, барча туман ҳокимлари тегишли бош бошқармаларга мазкур қарор бўйича ўзгартиришларни бир ой муддат ичида амалга ошириш, фуқароларни қайтадан пропискадан ўтказиш, янги кўрсаткичлар, кўчанинг чизма тахтачаларини ўрнатиш, амалга оширилган ўзгаришлар ҳақида ички ишлар идоралари, соғлиқни сақлаш, алоқа, ижтимоий таъминот муассасаларини, тез ёрдам ва ўт ўчириш хизматларини хабардор қилиш топширилди. Шунингдек, унда топономия комиссиясининг номлар тўғрисида тўла изоҳи ҳам илова қилинган бўлиб, у шаҳар аҳолисининг ўзгаришлар юзасидан тўла хабардор бўлишига имкон беради.

Ўйлаймизки, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва топономия комиссиясининг бу тадбирлари барча ҳокимликлар ва топономия комиссиялари учун ибрат бўлади. Афсуски, кейинги йилларда республика ҳудудларида жой номларини тартибга келтириш жараёнидан фойдаланиб қолувчилар пайдо бўлди. Улар ўзларининг яқин кишиларини, ота-оналарининг номларини «абадийлаштириш» учун уялмай-нетмай уларнинг номзодларини ўтказишга киришиб кетдилар.

Баъзи бир маҳаллаларнинг бебакор раҳбарлари ҳам бу жараёндан четда қолмай, кўча номларига ўз яқинларини тиқиштирмоқдалар, ўзларича маҳалла номидан қарорлар қабул қилиб, ҳокимликлар, топономия комиссиясининг масъул ходимларини чалғитмоқдалар. Шунинг учун ҳам бундай кўнгилсизликларни ўз вақтида бартараф этиш, жой номларини танлашда маҳаллий аҳоли, жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш керак. Бусиз чиройли топономларга эга бўлиш ва уни чинакам халқ мулкига айлантириш мумкин эмас.

Содиқ МЎМИНОВ,
тарих фанлари номзоди.

Вашингтон. Моунт Рейниер миллий боғидаги кўл. **Рон ТОМАС олган сурат.**

Жаҳон эстрада юлдузлари

БУЗИЛГАН «СУҲБАТ»

Юлдуз бўлиш осонми? Одатда машҳур қўшиқчиларга шу саволни кўп берамиз. Лекин «Машҳурликдан воз кеча оласизми?» демаймиз. Нега? Назаримизда бу савол мантиқсиздек туюлади. Балки аёллардан сўраш унчалик ноўрин эмасдир. Ҳақиқатан ҳам «Оилавий аҳвол туфайли юлдузликдан воз кеча оласизми?» деб эркак кишига мурожаат қилиш эса ғалатироқ эшитилади.

Шундай қилган санъаткорлар балки маълум маънода жасоратли ҳамдир. Ҳаммаям осонгина санъат оламининг шоҳ супасидан пастга тушавермайди-да.

«Модерн токинг» ансамбли жаҳон эстрада санъатининг чинакам юлдузи эди. Айниқса, биз 80-йиллар ёшлари орасидаги эстрада мухлислари гуруҳнинг ҳар бир дискини, қўшиғини, олқишлаб кутиб олардик. Эсингизда бўлса агар, ўша пайтларда жаҳон эстрада тингловчилари қалбини машҳур «Бони М», «АББА», «Модерн токинг» қуйлаган қўшиқлар буткул забт этганди.

Германияда 1980 йилда ташкил топган гуруҳ тезда дунё бўйлаб ижодий сафарлар қилди. Уларнинг айниқса, севги, муҳаббат мавзуидаги турқум қўшиқлари Европа, Америка, бутун дунёда минглаб мухлисларига эга эди. Уларнинг «Ямахау — «суҳбат» қўшиғи ҳали-ҳали машҳур. Бугунги мухлисларнинг ҳам олқишида. Томас ва Детер ўзларининг юлдузлик умрига ҳеч ким шубҳа қилишмаганди. Томаснинг жозибали овози, Детернинг кенг имкониятли овоз пардасига таниқли санъатшунослар ўз вақтида катта баҳо беришганди. Аввало, йигитларни тингловчи қалбига яқин қилган уларнинг яхши қўшиқлариямдир, самимий «суҳбат»лари ҳам. Бундай дейишимнинг боиси бор, албатта. Томас билан Детер гуруҳни қандай номлашни ўйлаб қолишади. Улар тингловчилари билан қалбан яқин бўлишни олдиларига мақсад қилиб олишади. «Биз тингловчимиз билан қўшиқ орқали «гаплашамиз». Суҳбат қурамиз. Биз — «Модерн токинг», яъни «Суҳбат»дошмиз...

Дарвоқе, улар тезда ўз суҳбатдошларини топди. Ўз мухлисларига эга бўлди. Машҳурликнинг пиллапояларидан тез-тез илдамланди, чўққи сари, юлдузлик — чўққисига. Забт этишди бу чўққини.

Ҳаёт сўқмоқлари эса нотекис. Санъат олами сўқмоқларидаги «тўсиқ»ларга чап бериш, енгиб ўтишнинг йўли бордир. Шинавандалар кўнглидаги қўшиқни куйлаб «гов»ларни суриб қўйиш мумкиндир. Лекин турмушда шундай «тўсиқ» ҳам борки, уни енгиш осонмас.

Жаҳон эстрада осмонида порлаган юлдуз бўлишса-да, йигитлар Ер маликалари қаршисида тиз чўкишди. Гуруҳнинг соль-яккахон хонандаси Томас муҳаббат «тўсиғи»га дуч келди. Севиш бахт, севилиш эса тахт. Тахтни ушлаш, жиловбардори бўлиш анча мушкул. Томас севгилисининг талабларини рад этишга қийналарди. Унинг хотини ўта рашкчи чиқди. Рашк туфайли оила тахти силкина бошлади. Томас ва Детернинг орасида ҳам энди суҳбат қовушмай қолди...

1987 йилда «Модерн токинг» тарқаб кетди.

Томас Андерс эстрадани тарк этди. Назарида «Модерн токинг»нинг тингловчиси билан «суҳбати» бемаврид узилиб қолди. Гўё ширин суҳбатига кимдир эшик тақиллатмай кириб келди. Бемаврид дейиш ҳам тўғримасдир. Ахир муҳаббат қалбимизга ана шундай беижозат кириб келади-да. Қўшиқ на тил, на дил танлайди. Оҳанг, қўшиқ симобдай эриб юракка сингиб кетаверади. Севги ҳам шундай.

Тўғри, Детер ўзи соль-яккахон бўлиб яна куйлай бошлади. Мухлислари билан яна узоқ «суҳбатлашди». Детер ўзи «Камалак», «Чошгоҳ» қўшиқлар туркумини куйлади. Барибир бу қўшиқлар илгаригидай «Суҳбат»нинг қаймоғи бўлолмади.

Томас эстрада осмонида ўсди. Аслида кимгадир керак бўлиб яшашдан ортиқ бахт йўқдир. Томас балки яна куйлар. Янги қўшиқ куйламаса-да, Томас айтган қўшиқлари билан ҳамон бизга «суҳбатдош»дек туюлаверади...

Магнит ленталарида унинг овози жарангласа, телеэкранда видео-клипи қўйилса, аввало, яна ўша машҳур «Ямахау» — «суҳбат»идан баҳраманд бўлгандек бўлаверамиз...

САИДА.

ЎЗЛИГИДАН КЕЧГАН ИНСОН

Ёднома

Адолат ва диёнатни шиор қилиб олган кишилар — инсониятнинг фахри, гурури. Уларни ҳар доим беадад соғинч ҳамда армон билан ёдлаймиз. Ҳар ёдлаганда чексиз меҳр-муҳаббатга чулғанган қалбимиздан «У — бизники эди!» — деган калима чиқади.

1906 йилда қўҳна Хоразмнинг Гурлан туманида дунёга келган чақалоқни Йўлдош деб аташди. Эҳтимол ўшанда уни тўққиз ой қорнида кутариб юрган онаизори севинч билан менинг ўғлим, дея бағрига босгандир. Аммо бугунга келиб, аллақачон дунё билан видолашган ўша чақалоқни — Ўзбекистоннинг биринчи ички ишлар вазири генерал-майор Йўлдош Бобожоновни эзгуликка ошно кишиларнинг ҳаммалари «Бизнинг генерал!» — деб аташади.

Йўлдош Бобожоновнинг болалаги бахт билан лиммо-лим кунларга бой бўлган, деб айтолмаймиз. Чунки ақлини танибдики, бойлар қўлида хизмат қилди. Ҳам ўзининг, ҳам тугишганларининг ҳаёт кечиришлари учун тиришди.

Эҳтимол дориломон кунларга келиб уни хотиралар адоғига ураган фазилатлар — юксак одамийлик, раҳм-шафқат, ҳалоллик, фидойилик, ватанпарварлик — шу таҳлит қилгану шу таҳлит қалбига жо бўлган.

Марҳум генерални кўрган, озми-кўпми бирга ишлаш бахтига муяссар бўлган ёхуд қисқа фурсатда бўлса ҳам суҳбатлашиб, юракдаги тугёнлари билан ошно тутинган кишилар билан суҳбатлашдим. Ички ишлар вазирлиги музейидан ўрин олган фотосуратлар, эсдаликлар билан танишдим.

Англашимча, Йўлдош Бобожонов — осойишта ҳаёт нималигини билмай ўтди. Аслида осойишта ҳаётни ким хоҳламайди? Виждонан меҳнат қилиб, бир кунни ўтказиб, кечқурун оила аъзоларининг — ширин-шакар фарзандларининг қувончига шерик бўлиб, ташвишлардан ҳоли чақ-чақлашиб ўтириш — кимга ёқмайди?

Аммо генералга ҳаётнинг ана шундай лаззатлари камдан-кам насиб этган. Яратган унга шундай тафаккур, шундай қалб ато этган эканки, бу тафаккур, бу қалб — ҳеч қачон ўз қобиғига ўралиб олишни, осойишталикни, хотиржамликни ҳазм қила олмаган.

У 1925 йилда Гурлан уезди отлиқ милиция отрядига хизматга кирганида ҳам, Хоразм, Самарқанд, Тошкент вилоятлари партия идораларида масъул лавозимларда ишлаганида ҳам, Савдо Халқ Комиссари этиб сайланганида ҳам, Ички ишлар Халқ Комиссарлигининг Фарғона вилояти бошқармасини бошқарганида ҳам, ниҳоят биринчи марта Ўзбекистон ички ишлар вазири этиб тайинланганида ҳам — қўйингки саломатлиги важидан ўз ихтиёри билан истеъфога чиққанида ҳам тафаккури уйғоқ, қалби бедор эди.

Биз бугунги кунда Йўлдош Бобожоновни биринчи ички ишлар вазири деб ардоқлаяпмиз. Аммо чўқур мушоҳада юритадиган бўлсак, биринчи бўлиш қанчалик шарафли бўлса, шунчалик масъулиятли ҳам.

Дарвоқе, фидойилик хусусида. Ҳозирга келиб бу сўзни кўп ишлатадиган бўлиб қолдик. Бошқаларга нисбатан кўп ишлаган одамни ҳам шундай аташ одатга айланди. Аммо менимча фидойи деган сўзнинг лугавий маъноси бундан анча-мунча улуғроқ.

Раҳмонали ҚОСИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот марказининг катта инспектори, милиция капитани.



ЁНГИННИ ЎЧИРИШГА ҲАРАКАТ

МЕКСИКА. Сешанба кунги ахборот агентликларининг хабар беришича, Мексикада рўй берган кучли ёнғин батамом барҳам топгани йўқ.

Маълумки, ёқилғи сақлаш комплексидаги 3 та нефть сақланадиган цистернада кучли портлаш рўй берганди. Ўт ўчирувчилар кенг кўламдаги ёнаётган нефть олови тўлқинини бартараф этиш учун сув пуркаб, қум ва лойдан «девор» тўсиқлар ясашяпти. Ҳозирча мексикалик ўт ўчирувчиларнинг бу ҳаракатлари кутилган натижа бермаяпти.

СОБИҚ БОШ ВАЗИР ҲИБСДА САҚЛАНМОҚДА

ИСЛОМОБОД. Покистон собиқ Бош вазири Беназир Бхутто хоним мухолиф кучлар томонидан норасмий шароитда хусусий уйда ушлаб турилгани сешанба кунги манбаларда қайд этиб ўтилди. Беназир Бхуттони Президент Ф. Легҳарий бундан бир ҳафта илгари мамлакат бош вазирлигидан озод этганди.

СУДАНДАГИ ҲАРБИЙ РЕЖИМ

ВАШИНГТОН. Америка Қўшма Штатлари сешанба куни Эфиопия, Уганда давлатларига ҳарбий ёрдам жўнатганини маълум қилди. Лекин АҚШ бу ҳарбий ёрдам Судан ҳарбий ислом режимини барбод этишга таъсир этишини рад этаяпти.

ЗИЛЗИЛА ТАЛАФОТЛАРИ

ПЕРУ. Жанубий Перуда сешанба куни қаттиқ ер силкинди. Манбалардан маълум бўлишича, зилзила натижасида 15 киши ҳалок бўлди, 700 нафарга яқин жароҳатланганлар қайд этилди. Шунингдек, ер қимирлаши кўплаб биноларни ҳам вайрон қилди.

ДИҚҚАТ: ЯНГИ ЛОТЕРЕЯ!

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки ва Ўзбекистон ногиронлар жамияти ҳамкорлигида «СПРИНТ-МЕҲРИБОНЛИК» лаҳзалик пуллик лотереясини муомалага чиқарди.

Битта серияннинг умумий қиймати 200 миллион сўмдан иборат бўлиб, 100 миллион сўм ёки 50 фоизи ютуқларни ташкил этади.

Бунда:

«СПРИНТ-МЕҲРИБОНЛИК» лаҳзалик пуллик лотереясида 10 та 500000 сўмлик, 30 та 100000 сўмлик, 600 та 5000 сўмлик, 5000 та 1000 сўмлик, 10000 та 500 сўмлик ва ҳоказо ютуқлар ўйналади.

«СПРИНТ-МЕҲРИБОНЛИК» лаҳзалик пуллик лотереяси баҳоси атиги 20 сўм.

«СПРИНТ-МЕҲРИБОНЛИК» лаҳзалик пуллик лотереясини Халқ банки бўлимларидан ва жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

Маълумотлар учун телефонлар: 45-66-43, 79-68-91.

ҚУТЛУҒ ЁШ МУБОРАК!

(Лирик хонанда Фахриддин Умаровнинг 70 йиллигига)

Ҳамон пойингизга таъзимда гуллар
Жўр бўлиб сайрашар Сизга булбуллар
Қувончдан кўз яшнар, яйрайди диллар
Сарҳисоб этишга чорлайди йиллар
Мадҳингиз куйлашга қўлга олдим соз
Қутлуғ ёш муборак эй азиз устоз!

Ширин овозингиз эритар тошни
Юрагин забт этиб кекса-ю ёшни
Нолангиз эркалар ҳар қалам қошни
Дилга жо этдингиз меҳри қуёшни
Ашъорда билимдон, созда хушовоз
Қутлуғ ёш муборак эй азиз устоз!

Тақдир солса ҳамки гоҳи ғам-алам
Мудом қўлда бўлди соз бирла қалам
Сиздаги бардошлик ўзи бир олам
Бунга тан беришга неча доно ҳам
Фидойи ҳофизсиз, қўшиқда мумтоз
Қутлуғ ёш муборак эй азиз устоз!

Овозингиз мангу янграсин хушхон
Куйларингиз дардли дилларга дармон
Беқиёс ҳофизсиз муҳтарам инсон
Элу юрт бахтига бўлинг соғ омон
Шукур айлаб дилдан этарман эъзоз
Қутлуғ ёш муборак Фахриддин устоз!

Шукур ДАДАШ.

«ҚАЛДИРҒОЧ, СЕНДАН ТИЛАГАНИМ...»

Ватан туйғуси буюқдир

— Аба, суюнчи беринг, қалдирғоч ромга ҳам уя қуряпти.

— Ичкари уйда бор эди-ку.

— Булар бошқа. Қалдирғочимизнинг қариндошлари экан.

Бола-да... Югуриб кетаётган ўғлимнинг орқасидан кулиб қўяман. Сўрига ўтиряпману, бир нарса ярқ этиб ёдимга тушди.

— Қалдирғочлар Аллоҳнинг уйида яшашади. Уларнинг қари,кўзи ожиз момоси бор. Биз томондан боришгандан кейин, мени ким сўради, дер экан. Ҳа, сизни фалончихон эслади, деса мени йўқлаганнинг муроди ҳосил бўлсин, дея дуо қиларкан.

Онамнинг бу сўзлари кечагидек ёдимда...

Ватан... Бахт... Иқбол...

Хуррият ҳақида ўйлайман...

Эсиз, яқин-яқинларгача кўзларимизни бир қадам нарини кўрмайдиган қилиб боғлаб ташлашгани. Қулоқларимизнинг карлиги. Тилимиз, дилимизнинг айниши, эсиз...

Аллоҳу акбар. Аллоҳу акбар...

Шом намозига чақиришяпти, Ошхонада куйманаётган қизим ўрнига чўккалади. Бошини қўйи солганича бир нима деб пичирлаяпти. Ихлос билан юзига фотиҳа тортди.

Хаёл яна болаликка бошлайди. Дин хурофот, рўза-эскилик сарқити, деб ўргатилиши... Эътиқодсизлик нималарга олиб келмадия. Нафақат ўзликдан, Ватандан айрилмоққача бориб етганимизни эндиэнди тушга ўхшатаман.

Эсимда, саксонинчи йилнинг охирлари эди. Тошкентда Америка кунлари ўтарди. Енгил автомашинасига давлат байроғини ўрнатиб олган америкалик йигитни кўрганимда дунёнинг нариги чеккасидан Ватан байроғини ифтихор билан олиб келгани, ўзи бошқараётган машинага қўйиб, ҳар қадамда бирга олиб юрганига ақлим етмади-я. Ватан ғурури шу қадар муқаддас бўлишини пайқамаганим...

Ватан, сендан қарздорлик ҳисси, сендан ғурурланиш туйғуси билан ёнмай келган кўкларга вужудимни кўтариб юрган кунларим учун, кечир...

Бир минг тўққиз юз тўқсон иккинчи йил Америкада даволаниб келган Раҳима исмли қизнинг уйидамиз. Марказий телевидениедан мухбирлар келишган. У ҳақда кўрсатув тайёрланяпти. Аравачада ўтирган қиз онасини чорлаб, «Ҳалигини олиб чиқинг» деди. Онаизор, биз маъмурий биноларнинг олдига қўядигандек катта Америка байроғини қизи ёнига суяб қўйди.

— Раҳимахон, сизнинг уйингизда кадрга олаяпмиз. Хорижда эмассиз — дейман, киноя билан.

— Опа, бу байроқни мени даволаган докторим совға қилган. Бизнинг юртимиз ҳақида гапирганингда мана шу байроқ ёнингда бўлсин деганди...

Тўғриси, бу гапни ҳозир эсласам бутун танам музлайди. Наҳотки бутун бир миллатга, бутун бир давлатга, эътиқодга эга бўлишдек бахтни пайқамай ўсдик биз.

Халқимизда «ҳечдан кўра кеч» деган гап бор. Мана, бу йил мустақиллигимизга беш йил тўлди. Олтинчи йил кетяпти. Энг катта бахтимиз — юртимизда тинчлик, хотиржамликни сақлаб қолдик. Назаримда, сабр-тоқатли халқимиз жуда катта синовдан мардонавор ўтди. Бир йўла давлатни мустаҳкамлаш ва уни дунёга олиб чиқиш...

Юртбошимизнинг одил сиёсати—қарияларимиз хор-зор бўлишмади. Ногирон, ёлғиз, етим-есирлар қонун йўли билан ижтимоий ҳимояга олинди.

Мақсадлар, маслаклар бир энди. Бир бўлди диллар. Ниятлар йўлдошга айланиб кетди. Ҳаммаҳамма соҳада ўзига хос янгилик...

Тўҳмат балоси балоларнинг ёмонидир, дейишади. Халқимиз гарданига боқиманда, деган тамғани қўйганларида кимнинг танаси зирқирамаган дейсиз. Назаримда, дон мустақиллигига нафақат бу йил, ўтган йилнинг ўзидаёқ эришиб бўлдик. Негаки, бозорларимиз тўкинми, демак фаровонликнинг ўлчовини қидириб юриш шартми?

Ҳай-ҳай, ўлан, жон ўлан, ўлан келди ёр-ёр.

Икки қўли кўксида келин келди ёр-ёр...

Ана, қўшни маҳаллага келин келди. Яна бир янги оила. Яна бир Ватан остонаси тиллоларга менгзанди. Ловуллаб ёнаётган гулхан ёғдуси дилларга равшанлик насиб айламоқда. Икки очиқ дилнинг дийдорлашуви... Муҳаббат... Висолга нима етсин!..

Сокин тун... Тўлин ой сузмоқда. Усти очилиб қолган ўғлимга қарайман. Шарпага ўрганмаган янги қалдирғоч ўрнидан қўзғалиб олди. Дарвоқе, боя сендан нима сўрасам экан, дегандим. Кел, яхшиси, қалдирғоч, момонгдан, юртимизга тинчлик, фаровонлик, серобчиликни сўраб бер.

Эндигина беш ёшга тўлган мустақиллигимизнинг бундан-да мустаҳкам бўлиши учун дуо қилсин. Халқимиз қалбига меҳр-оқибатни мустажо айла. Авлодларимиз, аждодларимиз руҳи қўллайверсин. Ва яна сендан бир аёл, она сифатида сўраганим-ҳар кимга фарзандлари камолини кўриш насиб айласин...

Дилбар ҲАЙДАРОВА,
Чортоқ шаҳри.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), **Аслиддин БОЛИЕВ** (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул), **Владимир ЧЕБОТИН** (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), **Алимқул СУЛТОНОВ** (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), **Александр ТЮРИКОВ** (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи С. САЛИМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 26.845 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0627

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 20.30.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

«ҚАСОСКОР» МУҲАРРИР

Шунақасиям бўлади

Россия. *Якутияда чиқадиган «Новости Якутии» газетаси муҳаррири Владимир Глусков собиқ хотинининг ярим яланғоч русумдаги кўйлакларни намойиш этаётган ҳолатдаги 9 та суратини навбатдаги сонлардан бирида босиб чиқарди.*

Табиийки, собиқ эрнинг бу тариқа обрўсизлантиришига хотин қатъий норозилик билдирди. Сурат эса 80000 нусхада аллақачон «тарқаб» кетганди.

Муҳаррир учун бу «обрўсизлантириш иши» қимматга тушди. У ўз вазифасидан олинди. Собиқ хотиндан кўра эрнинг обрўси кўпроқ тўкилди.

«ЁТОҒИМДА БЕГОНА АЁЛ»

Австралия. Брисбейн шаҳрида яшовчи 24 яшарлик Стэн Мэлсон ётоғига нотаниш аёл кирганда донг қотиб ухлаб ётарди. Ногоҳ уйғонган Стен аввалига уйқусираяпман деб ўйлади. Сунг аёлнинг бамайлихотир «нари сурилинг» деганидан сўнгтина ҳуши ўзига келди.

— Кимсиз? Қаердан келиб қолдингиз? — йигит ўрнидан сакраб турди. Аёл эса ўзини таппа ўринга ташлади.

— Оббо! Нега серрайиб турибсиз, тепамда қаққайиб турманг, ухлай олмаяпман, ётинг... Сизга айтяпман...

— Сизни биринчи кўришим. Танимайман... — Стэн телефонга югурди.

— Э, қанақасиз ўзи... Ухлаш учун таниш-нотанишликнинг нима аҳамияти бор... — аёл бир йўла икки ўринни эгаллаб олди.

— Йўғ-э, нималар деяпсиз, комиссар, нега энди ўғри бўлмаса аёлдан қўрқмаслигим керак, — деди жонҳолатда полицияга қўнғироқ қилган собиқ бўйдоқ. — Ахир у ётоқхонамга бостириб кирди. А, нега «ушлаб» тураман. У тушагимда ухлаб етибди-ку?!

Полиция воқеа рўй берган жойга келганда ҳақиқатан ҳам «жиноятчи» Стэннинг тушагида мириқиб ухлаб ётарди. Полициянинг аниқлашича, «бегона аёл» яқинда шу уйга кўчиб келган Стэннинг янги қўшниси экан. Фақат тунги кўнгил хушликдан бироз кайфи ошиб қолиб, қўшнисининг эшигини очиқлигини кўриб кириб келаверган экан-да бояқиш.

Стэнга эса эшикни очиқ қолдиргани учун жарима солишди.

«ОСИЁ БОЗОРИ»: ЖУМА СОНИДА ЎҚИЙСИЗ:

«БИЗНЕСНИНГ БУЮК ДУНЁСИ»

«ДЭУ» компанияси раиси Ким У Жунгнинг ёш ишбилармонларга маслаҳатлари

* * *

АКЦИЯНИ ЎЗИНГИЗ ТАНЛАБ ОЛИНГ

Хусусийлаштириш инвестиция фондлари қимматли қоғозлари тўғрисида

* * *

ХОРИЖНИКИ ЗЎРМИ, ЎЗИМИЗНИКИ?

Сергели автомобиль ва эҳтиёт қисмлар бозорида машиналар нархи ҳақида маълумот

* * *

ЭРИНГИЗНИ ҚАРҒАГАНМИСИЗ?

«Шахс ва дунё» рукни остидаги материаллар

* * *

КЎР ҚИЗНИНГ БАШОРАТЛАРИ

2030 йилда ерликларни нималар кутмоқда?

* * *

Шунингдек, ҳафталик телекўрсатувлар дастури, мунажжим башорати, келгуси ҳафта об-ҳаво маълумоти ва топқирлик машқлари газета саҳифаларидан жой олган.



Саломатлик сандиғи

Маълумотнома. 1965 йили Наманган тумани марказий касалхонаси жарроҳлик бўлими қошида икки-уч ўринли жойда бавосил хасталигини амаллиййат (операция) қилиш бошланди. Етмишинчи йили 35 ўринли алоҳида шифохона ташкил қилинди. Ҳозирги кунда юз ўрин мавжуд. Собиқ иттифокда проктология (бавосил касаллигини даволаш)га ихтисослаштирилган икки шифохонанинг биттаси Наманган вилоятида эди.

ДАРДИНГИЗНИ ЯШИРМАНГ

Наманган вилояти проктология шифохонаси бош ҳакими Аюбхон Юсупов билан мулоқот

— Абу Али ибн Сино ҳазратлари ҳам бавосил касали оғирлашган тақдирда кесиш, амаллиййат қилишни тавсия қилган дейишади, шу ростми?

— Ҳақиқатан ҳам, бу хасталикка қарши қадимги даврда ҳаким ва табиблар курашиб келганлар. Аммо XX аср тиббиёт фани бу касалликни тўла даволашга киришди. Бобомиз Ибн Сино «Агар бавосил ўсмалари бир нечта бўлса, уларнинг ҳаммасини бирдан кесиш ярамайди, балки Буқротнинг насиҳатига амал қилиб, биттасини қолдириб қўйиб, кейинроқ даволаш лозим бўлади» деган эдилар. Ҳозирги тиббий ускуналар шундай такомиллашдики, бавосилни қисқа муҳлат ичида тўла даволаш мумкин.

— Бу хасталикни бир марта даволаттан одам кейин яна оғримайдими?

— Томдан ирғиб оёғини синдирган одам даволангач, яна томдан сакраса оёғи синади-да. Шифокорнинг маслаҳатига амал қилган бемор бу касалликка бошқа чалинмайди.

Маълумотнома. Шифохонада 13 нафар жарроҳ ишлайди, икки стационар бўлим: бир амбулатория-поликлиника, Наманган шаҳрида қабулхона мавжуд.

— Ҳозир қўшни давлатлардан беморлар келмаяптими?

— Ҳали ҳам келиб туришади. Шифокорнинг биринчи вазифаси беморнинг қаердан келганлигини суриштириш эмас, уни даволаш. Илгари пуллик хизмат кўрсатиш учун қўшни давлатлар фуқароларини қабул қилардик. Энди пуллик хизмат кўрсатиш тугатилди. Етмиш бешинчи йили Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғига биноан шифохонамизга Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида бавосил касали билан оғриган беморларни даволовчи марказ мақоми берилганди. Бугунги кунда биз Наманган вилояти шифохонаси ҳисобланиб, фақат вилоят бюджетидан маблағ оламиз. Аммо қўшни вилоятлардан келган беморлар сони баъзан ўзимизникидан ортиб кетади. Мен Андижон ва Фарғона вилоятлари соғлиқни сақлаш бошқармаларига вазиятни тушунтириб, моддий ёрдам сўраб хат ёздим. Ҳар икки жойдан ҳам бизнинг беморларни қабул қилманг, ўзимизда амаллиййат этилади деб ёзилган жавоб олдик.

Марғилонлик М. Ҳовлим касалхона билан бир девор. Икки марта амаллиййат қилиндим. Шифо топмадим. Халқимизда «чумчуқ суйса ҳам қассоб суйсин», деган гап бор. Мен шу мақолни жиндай ислоҳ қилдим «Чумчуқни чумчуқ сўядиган қассоб суйсин».

Косонсойлик З. Мени ўзимизда амаллиййат қилишгач, 45 кун қийналдим. Сўнг бу ёққа юборишди. Ўзимизнинг вилоятдаги шифохонага тўғри келавермаган эканман-да...

— Беморни фақат ҳаким даволамайди. Бунда фаррошнинг ҳам улуши бор. Бемор ширин сўз билан даволанади. Озгина овозини кўтарган хоҳ шифокор, хоҳ санитар бўлсин, жамоамиз ковушини тўғрилаб қўяди.

— Лотинча бу касаллик геморрой, яъни қон оқувчи деб аталади. У билан оғриганлар кўп йиллаб уни яшириб юрадилар...

— Ҳамма гап шунда-да. Кўзингиз оғриб қолса ёки йўталга дучор бўлсангиз, дарров дўхтирга учрашасиз-ку? Яқинда қўшни вилоятдаги туман ҳокими шу касалликдан вафот этди. Агар вақтида бизга олиб келинганда сақлаб қолармидик. Бу хасталик 75 фоиз одамда мавжуд. Шундан 45 фоизи амаллиййатга муҳтож.

— Касалхона Қурама қишлоғида жойлашган бўлса ҳам Жийдакападаги шифохона деб ном қозонган экан...

— Бу ердан Жийдакапага тўрт чақирим, Наманган шаҳрига уч чақирим...

Маълумотнома. Бугунги кунда Тошкент, Самарқанд ва Сурхондарёда бавосил касалини даволовчи марказлар мавжуд. Аммо бу марказлар шифохона бўлими сифатида фаолият кўрсатади. Шунингдек, ҳар бир вилоят ва ҳатто туман касалхонаси жарроҳлик бўлимларида ҳам бавосил касаллиги амаллиййат қилинади. Бироқ натижа-чи?

— Жарроҳ учун энг муҳими нима деб ҳисоблайсиз?

— Кесиш...

— Жароҳатни кесишми?

— Ҳам жароҳатни, ҳам нафсини.

— Нафс қандай кесилади?

— Гижирлатиб... Жарроҳлик кўзи беморнинг чўнтагида эмас, ярасида бўлиши керак. Чўнтаккесар жарроҳлар ҳам кўпайиб кетди.

— Бир йилда шифохонага қанча бемор келади?

— Ҳар йили уч мингдан зиёд бемор тузалиб чиқади. Деярли 95 фоизи жарроҳ қўлидан шифо топади. Мен 1966—86 йилларда тўрт мингдан зиёд амаллиййат қилдим. Бош шифокор бўлганимга ўн йил бўлди. Ҳар хил ташкилий ишлар билан овора бўлганим учун энди йилига юздан ортиқ операция қиламан, холос.

— Шифохонадаги энг моҳир жарроҳлар кимлар эди?

— Турғунпўлат Тошпўлатов, Содиқжон Ботиров, Абдуқаюм Ҳожиев, Нина Исматуллаева, Маъруфжон Бахромов, Акромжон Қурбоновлар қўли гул жарроҳлар. Бошқалар ҳам юқори маҳорат, малакага эга. Жамила Тўраева, Маҳмуда Охунова каби ҳамширалар беморга қараш ва даволаш борасида шифокорлардан қолишмайди.

— Анъанавий савол. Қандай мукофотларингиз бор?

— Шифокор учун энг катта мукофот беморнинг дуоси. Бир гал қўлимдан шифо топган чол чиқиб кетаётиб «Ўғлим, ўттиз йил шу дард билан оғриб, тунлари ухламай чиқардим. Кампиримдан яширардим. Умрингдан барака топ» деб дуо қилди. Мен ҳар куни деярли шундай мукофот олиш бахтига муяссарман. Шифохонамизда йўғон ва тўғри ичак касалликлари, геморрой, тўғри ичак оқмалари, тўғри ичак саратон хасталиги, тўғри ва йўғон ичак яллиғланиши каби 15-16 турдаги касалликлар даволанади.

— Бу хасталикни келтириб чиқарадиган сабаблар?

— Тўғри овқатлана билмасликда. Кўп одамлар ароқ билан қалампирга ружу қўйганлар. Баъзилар энг кўп сабзавот бор жойда яшашса ҳам фақат қаттиқ овқат ейишади. Ўзбекистондаги сабзавот, кўк ўтлар шу даражада шифобахшки, тўғри истеъмол қилинса биз қариганда иш тополмай бошқа касб танлардик...

Суҳбатдош: Тошкент Давлат университети журналистика факультети толиби Шукур ЖАББОРОВ.

Спорт

НАВБАТ «ОҚ ОЛТИН» КУБОГИГА

Юртимизда футболни ривожлантириш ва оммавийлигини таъминлаш мақсадида яна бир хайрли ишга қўл урилди. Хусусан, қишлоқ жойларда соғлом турмушни шакллантириш, бўш вақтни мазмунли ўтказиш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши республика агросаноат ходимлари касаба уюшмалари марказий қўмитаси билан ҳамкорликда «Оқ олтин» кубоги учун республика мусобақасини уюштирмоқда. Пахта йиғимтерим ишлари ниҳоясига етиши билан соврин учун кураш бошланади. Қорақалпоғистон ва вилоятлардан тўпланган жамоа хўжаликларининг футбол клублари Китоб шаҳрида ўтадиган қизиқарли мусобақада иштирок этадилар.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҒОЛИБИ

Қирғизистоннинг Кант шаҳрида хотин-қизлар футбол клублари ўртасида ўтказилаётган Марказий Осиё чемпионатининг тўртинчи тур ўйини бўлиб ўтди. Якунловчи ўйинлар Тошкентнинг «Баҳо» жамоасига омад келтирди. Улар ғалаба ва очколар ҳисобида ўтган йилги чемпионлар — Алмати динамочиларидан анча ўзиб кетишди. Ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни ўрнига қўйган футболчи қизларимиз биринчи марта Марказий Осиё чемпиони бўлдилар. Бу сафар Алмати динамочилари иккинчи ўрин билан қаноатланишди. Қарағанданинг «Гея» қизларига учинчи ўрин насиб этди.

«ЛОЧИН» БИРИНЧИ ТАБАҚАДА

Жиззахда қизиқарли футбол учрашувлари бўлиб ўтди. Бу ерга Қашқадарё, Тошкент, Фарғона ва Жиззах вилоятларининг иккинчи табақа пешқадамлари тўпландилар. Уларнинг биринчи табақага ўтиш учун бўлган даъвогарлик баҳслари муҳлисларда яхши таассурот қолдирди. Саралаш учрашувларини кўтаринки руҳда ўтказган Тошкент вилоятининг «Лочин» ва Жиззах вилоятининг «Автомобилист» жамоалари бир хил — 7 тадан очко тўплашди. Мутахассислар тўплар нисбатига кўра биринчи табақага йўлланмани «Лочин» футболчиларига беришни лозим топдилар.

Ташкилотлар ва хусусий корхоналар диққатига!

"ЎЗБЕКЕНГИЛСАНОАТ" УЮШМАСИ

Енгил саноат маҳсулотларининг 1997 йилга улгуржи савдоси бўйича **республика ярмаркаларида** иштирок этишга таклиф этади.

Ярмаркалар: 20 ноябрдан 23 ноябргача — тўқимачилик маҳсулотлари (ип-газлама ва иплар, шойи газламалар, ярим жундан бўлган одеялалар, нотўқима материаллар, ватин), гиламлар, чинни идишлар, галантерея, фурнитура;
5 ноябрдан 9 декабргача — тикувчилик, трикотаж, мўйна, пайпоқ маҳсулотлари, бош-кийимлар, пойабзаллар, кийим-кечаклар бўйича ўтказилади.

Ярмаркалар республика Ассортиментлар ва модалар марказида ташкил этилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Д.Қўнаев кўчаси, 25-уй. Мўлжал — "Россия" меҳмонхонаси.
Маълумот учун телефонлар: 39-14-37, 39-14-39.